

Наманган вилоят тарихи ва маданияти

давлат музейи квтта илмий ходими :

Манзура Холбаева

Бронза даврига оид Чуст манзилгохи яъни Бибиона ёдгорлигининг хозирги кундаги сақланиб колган ер майдони 4,05 гектарни ташкил этади. Археологик ёдгорлик худудида қадимий шифобахш булоқ мавжуд бўлиб, ушбу булоқ Бибиона-кайнар булоқ номи билан машхур. Башарият тарихининг ибтидоий боскичларида вужудга келган илк дехкончилик маданиятлари хакида гап юритилганида, олимлар Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон худудини хам тилга олишади. Кейинги йилларда республиканизнинг турли жойларидағи қадимги манзилгоҳлардан топилган талай моддий ашёвий, далилий топилмалар бу фикр-хулосаларнинг тўғри эканини исбот қилди. Бумаданиятдастлабэнг кўп ўрганилган ёдгорликларнинг номи билан Чуст маданияти де баталади. Энг биринчи ўрганилиб фанга киритилган Чуст даври ёдгорликларнинг Фарғона водийсидан топилган харобалар итариҳий-археологик ва хронология жихатидан сўнгги бронза (жез) даври гамансубдир.

Чуст ёдгорлиги асосан эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг охири – биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу манзилгоҳлар ичидаги энг машхури ва яхши ўрганилгани Чуст маконидир. Бу ёдгорлик Чуст шаҳридан 2 километр шимолдан, Ғовасой сохилида жойлашган кўхна тепалик, яъни кўхна кент, қишлоқ харобасидир. Халқ тилида Буонамозор номи билан юритиладиган бу манзилгоҳ дастлаб 1950 йилда археолог М.Э. Воронец томонидан тадқиқилинган. 1951-61 йилларда археолог В.И. Спришевски томонидан ўрганилган. Сўнгра 1974-82 йиллара Ю.А. Заднепровский раҳбарлигига қидирув ишлари олиб борилди. 1982-84

йилларда Академик Ахмадали Асқаров бошчилигига Ўзбекистонлик ва петрографдлик олимлар томонидан 500 квадрат метрдан ортик майдон очиб ўрганилди

Бу йодгорликдан 2 йиллик қазишмалар вақтида 80 та чуқур ўра – омборлар очилди ва археология фани учун ғоятда қимматли маълумотлар қўлга киритилди.

Буономозор харобасини текширган олимлар унинг ёшини турлича талқин қилиб келмоқдалар. Сўнги тадқикотлар натижасида Буономозор ёдгорлигининг ёши милоддан аввалги X-VIII асрларга оид деган хulosага келинди.

Тадқиқот натижаларига кўра ибтидоий одамлар хусусан, дехқончилик билан шуғулланадиган ахолии орасида ер.сув, куёшга муносабат жуда кучли бўлган. Буонамозордаги кадимий мозор хам илохийлаштирилган бўлиб, одамлар дикқатини ўзига қаратади, яъни «Бибиона мозори» деб ном олгани ана шу булоқни муқаддаслаштириш ва илохийлаштириш билан боғлик бўлса керак. Буонамозор ахолиси ибтидоий жамоа тузумида яшаганлиги хакикатга якин туради. Бинобарин, бу даврда эркаклар оғир юмушларни бажарганлар, аёллар эса жамоада катта рол ўйнаб, жамоани бошқарганлар.

Буонамозор манзилгохини топилиши ва ўрганилиши жараёнида Фарғона водийсида, шу жумладан, Наманган воҳасида бундан 2803 минг йил аввал ота-боболаримиз тоғ олди худудларида сойлар соҳилида ва булоқлар атрофида илк бор суғорма дехқончилик билан шугунлаганликлари маълум бўлдии.

Буонамозорда олиб борилган узок йиллик текширишлар натижасида Чуст маданиятининг келиб чиқиши билан боғлик бўлган масалага аниқлик киритилди. Илгарилари бу маданиятни келиб чикишини Эрон, Авғонистон худудларидан келган ахоли фаолияти билан боғлашар эди. Эндиликда унинг излари қўшни худудларда яшаган ахоли хусусан, жанубий Туркманистонни тасирини инкор этмаган холатда махаллий ахоли хўжалик фаолияти заминида шаклланганлигига ва ривожланганлигига ишонч хосил

қилинди. Дархакикат ,Чуст маданияти шакланаётган даврда Ўрта Осиёда катта ижтимоий –иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Археолог ва антрополог олимларнинг қузатишлари натижасида, бу ўзгаришлар Ўрта Осиёни шимол томондан келган кўчманчи чорвадор андрон (мил аввалги иккинчи минг йилликда Енисей билан Урал дарёлари оралиғида тарқалган), ёруб (иккинч минг йиллик охири биринчи минг йиллик бошларида волга ва дон дарёлари хавзасида тарқалган) қабилалари маданияти билан боғлиқ экан.

Мазкур қабилалар махаллий ахоли билан аралашиб Ўрта Осиёning шимолий зонаси, шу тариқа, «чорва майдонлари» га айланиб кетгач, янги яйловларни кидириш мақсадида бу кўчманчи чорвалдор қабилаларни бир кисми жануб томонга йул олган. Колганлари эса тог олди этакларидаги булок буйларида, дарё соҳилларида пасткам, сугорилиши осон жойларда дехкончилик килишга ута бошлаганлар. Шундай килиб ,милоддан аввалги биринчи минг йиллик атрофида Урта Осиёning шимолий ва шаркий худудларида ахолида воҳалардан иборат кадимги дехкончилик марказлари пайдо булади.

Бу манзилгох эгалари пахсадан курилган уйларда ва чайла типидаги кулбаларда яшаганлар. Шунингдек, деворлари пахсадан бир нечта тор хоналар ва ғишт терилган баъзи кўргонлар хам аникланди. Буонамозордаги аждоларимиз асосан ер тула типидаги уйларда яшаганлар.Бу даврда вужудга келган йирик манзилгоҳлар Косонсой, Ахсиент ва Зарафшон водийсидаги Афросиёб шаҳар манзилгоҳларидир.

Хазрат Бибионабулоги Чустдаги жамики чашмаларнинг онаси дейиш мумкин. Ривоят килишларича, Бибиона юртнинг маликаси бўлган яна бу даргоҳда намоз ўқиганларнинг тахкирлаган бир одамнинг фожеаси хакида ривоятлар бор. Булокнинг хосиятини писандкилмай умри кулфатда бўлганлар бор. Хуллас бундай гаплар талайгина. Лекин буларнинг бирортаси хам шунчаки ривоят эмас. Хаммаси шохидлар кўз ўнгидан содир бўлган. Бибиона булоги тўғрисидаги бу сўзларни бидъат дейишдан хам сакланган мақулдир...Бибионанингсуви шифобахш. Алалхусус, кўплаб

кузи оғриғанлар шифо топади, неча-неча фарзанд талаб кишилар, оилаларбешикли бўлиб кетишган. Ихлос билан тиниқ сувнингсокин тубига термулсангиз,рагингиз ёришиб кетади, ноҳуш ўйлар сизни тарк этади, рухингиз қуш қанотидай енгиллаб қолади дейди бу ерда яшаган инсонлар. Ойна мисол шаффоф сувнинг ости сумалакдай кайнагани кайнаган. Кум юзидағи корамтири хошиялар минг шакл чизади. Айтишларича энг покдил, халол, тоза инсонларга сирли ёзувлар хам қўринар эмиш.

Ушбу бронза даврига оид Чуст манзилгохи, яъни Бибиона ёдгорлиги атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириб, кайта илмий тадқиқот ишларини ўтказишида ёш археолог тадқиқотчиларни жалб этиш, нафақат вилоятда, балки республикамизнинг ташки сайёхлик йуналишлари ва хизматини йулга қўйиши мумкин.

Фойдаланилганадабиётлар

- 1 .И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-
Тошкент:”Ўзбекистон”1998.
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-
Тошкент:”Маънавият”,2008.
- 3.Рўзинов Б.Ражабова С. Наманган вилояти мааний меросидан лавхалар.-
Наманган:2006.